

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**174** Божхона қийматини тўғрилаш БҚТ-1 ва БҚТ-2 шакл-  
ларини тўлдириш бўйича йўриқномага ўзгартириш  
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 920-3*

*(2012 йил 23 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси (Ўзбекистон Республи-  
каси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда), «Дав-  
лат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-мод-  
да) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор  
қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2000 йил  
5 апрелдаги 02/8-19-сон билан тасдиқланган Божхона қийматини тўғрилаш  
БҚТ-1 ва БҚТ-2 шаклларини тўлдириш бўйича йўриқномага (рўйхат рақами  
920, 2000 йил 20 апрель), (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат  
қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й.,  
8-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-  
лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга  
киради.

**Раис**

**З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 19 март,  
01-02/15-4-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.